

Холислик ва тезкорлик

оммавий ахборот воситаларига  
хос хислатлардан саналади

Пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида «Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВ ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашнинг долзарб вазифалари» мавзусидаги республика семинари бўлиб ўтди.



Барчамиз масъулмиз

«Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишда шаҳар партия Кенгаши қoшидаги Хотин-қизлар ҳамда «Еш адолатчилар» кенгашларининг вазифалари муҳокама қилинди



Уч ўйин ва уч галаба

Виктор Кумиков шогирдлари гуруҳдаги илк учрашувини меҳмонда, Ливаннинг маҳаллий «Ал-Аҳад» жамоасига қарши ўтказиб, рақиблирига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Сергей Крот ва Илҳом Шомуродовларнинг дубллари ҳамюртларимизга йирик — 4:0 ҳисобидаги галабани тақдим этди.



# АДОЛАТ

Inson manfaatlarini — oliy qadriyat

O'zbekiston «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№ 8 (764)  
2010 йил,  
26 февраль,  
жума  
adolat\_sdp@doda.uz

Парламентда

## БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан «Баркамол авлод — кучли фуқаролик жамиятининг мустаҳкам таянчи» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти тингловчилари, «Еш адолатчилар» Кенгаши ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Давра суҳбатини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Исмоил Саифназаров олиб борди.

(Давоми 2-бетда.)



ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕЛАЛАР, ХАБАРЛАР

**АНДИЖОН.** Хўжабод туманидаги Бирлашган қишлоғида «Ишонч юлдуз нури» номида пишиқ гишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона иш бошлади. Лойиҳа қиймати 117 миллион сўмлик мазкур корхонада ҳозир ойига 250 минг донагача пишиқ гишт тайёрланмоқда. Ўрнатилган янги технологик линиялар 30 нафар кишини муқим иш жойи билан таъминлаш имконини ҳам берди.

**КОРАКАЛПОФИСТОН.** «Баркамол авлод йили»нинг ўтган салкам икки манадаги Кукқўз посёлтида аҳли ажойиб совға бўлди. Бу ерда 2 километр узунликда тортилган маҳсулотидаги 101 та хонадоннинг барчасига ситирилди. Бу хайрли иш — Қорақалпоғистон Республикаси Вазири рақибат дастури доирасида Оролбўйи ҳудудини комплекс ривожлантириш лойиҳаси асосида амалга оширилди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган «Турбопласт» хусусий корхонасида эндиликда пластик қопиллар ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилди. Маҳсулот синавдан яхши ўтиб, ҳозирнинг ўзидаёқ ички бозорга 3000 квадрат метр пластик қопиллар чиқарилади. Якунланган йилда жами 178 миллион сўмлик турли хил пластик маҳсулотлар тайёрлаган жамоа полимер материаллардан ишланган енгил вазили безаклар ва ранго-ранг панеллар ишлаб чиқаришга киришди.

«Тўқол», «Пуккалар», «Мўллалиён» қишлоқларининг ичкилик сув таъминоти яхшиланди. Бу раҳбар йиғини ҳудуддаги ичкилик сувга бўлган эҳтиёжи тула қондирилди. Эътироз этиш керак, ўтган «Қишлоқ тараққиёти» туманда 8 та қишлоқда 54 миллион сўмлик ҳажда ичкилик сув қувурлари тортилди.

«Тўқол», «Пуккалар», «Мўллалиён» қишлоқларининг ичкилик сув таъминоти яхшиланди. Бу раҳбар йиғини ҳудуддаги ичкилик сувга бўлган эҳтиёжи тула қондирилди. Эътироз этиш керак, ўтган «Қишлоқ тараққиёти» туманда 8 та қишлоқда 54 миллион сўмлик ҳажда ичкилик сув қувурлари тортилди.

«Тўқол», «Пуккалар», «Мўллалиён» қишлоқларининг ичкилик сув таъминоти яхшиланди. Бу раҳбар йиғини ҳудуддаги ичкилик сувга бўлган эҳтиёжи тула қондирилди. Эътироз этиш керак, ўтган «Қишлоқ тараққиёти» туманда 8 та қишлоқда 54 миллион сўмлик ҳажда ичкилик сув қувурлари тортилди.

Марказий аппаратда

## ИЖРОИЯ ҚЎМИТА ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда бугунги кунда партия олдида турган қатор муҳим масалалар қизғин муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг навбатдаги II Пленумини чақириш тўғрисидаги масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Сирожиддин Раупов сўзга чиқди. Йиғилиш иштирокчилари Пленум кун тартиби ҳақида ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Йиғилишда партия Сиёсий Кенгашининг II Пленуми чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Кун тартибидagi иккинчи масала — партия 2009 йил бюджетининг ижроси ва 2010 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари ҳақида Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Равшан Хайдаровнинг ахбороти тингланди.

(Давоми 2-бетда.)

## САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ

янада кенг кўлам ва самара касб этиб бораверади

Яқинда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташкил топганига 15 йил тўлди. Ўтган бу йиллар ичида партиямиз социал-демократия гояларини амалга ошириш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, партия аъзолари ва электорат манфаатини ҳимоя қилиш борасида муайян ютуқларга эришди. Шу маънода, бугун дадил айта оламизки, тарихан қисқа бу давр Ўзбекистон «Адолат» СДП учун шаклланиш, тажриба орттириш ва ривожланиш даври бўлди. Ҳозирги кунда Бухоро вилоят Кенгаши таркибидa 11 та туман ва 2 та шаҳар Кенгашлари фаолият юритмоқда. Ижроия Қўмита, Хотин-қизлар ҳамда «Еш адолатчилар» кенгаши ишлаб турибди. Партия аъзолари сони қарийб 4 минг нафарни ташкил этади. Улар 181 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Сўнгги беш йил мобайнида аъзолар сони 1475 нафарга, яъни 59,7 фоизга ошди. Уларнинг 33,1 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани, зиёлилар, тадбиркорлар сони кундан-кунга ортиб бораётгани кўзлаган мақсадимизга эришишда тўғри йўл танлаганимиздан дарак беради. 2005-2010 йилларда вилоят Кенгаши томонидан партиявий-ташқилий, маънавий-маърифий мавзулардаги, шунингдек, жамиятда хотин-қизлар ва ёшларнинг ролини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган 1401 та тадбир ўтказилди.

(Давоми 2-бетда.)

Қутлов

Мамлакатимизда янги сиёсий куч сифатида майдонга келган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси бузун 15 йиллик масъулиятли йўлни босиб ўтди. Шу муносабат билан партия Сиёсий Кенгаши номига самимий табриклар келиб турибди. Улардан айримларини сиз азиз газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

## ЙЎЛИ ОЙДИН, МАҚСАДИ УЛУФ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ташкил топганига 15 йил тўлиши муносабати билан партия Сиёсий Кенгашини, аъзолари ва фаолларини қизгин қутлаймиз.

Партия ўтган давр ичида дастурий мақсадларининг ҳаммабдоғлиги ва оммабоплиги, адолат ҳимоясида қатъияти балан жамиятда муносиб ўрин эгаллади. Сафлари кенгайиб, барча аъзолари ва тарафдорларини ягона гоя, ягона мақсад теварагига жипслаштира олди. Бугунги кунда партия мамлакат вакиллик органлари — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлардаги вакиллари Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, ривожлантириш жараёнларига муносиб ҳисса қўшаётганликларини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Мамлакатда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат тамойиллари тантанаси йўлида ибратли сиёсий-ижтимоий, маънавий ишлар олиб борилаётгани айниқса, диққатга сазовордир. Айни кезде Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси экологик муаммоларини ҳал этишда ўз саъй-ҳаракатларини изчил давом эттириб, мавжуд муаммоларнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатларига катта эътибор қаратаётганликларини Ўзбекистон Экологик ҳаракати алоҳида қайд этди ва мамнуният изҳор этди. «Адолат» СДП Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан нафақат умумийлик микёсда, балки, муайян яшаш шароитларида атроф-муҳитнинг ифлосланиши, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ камчиликларни аниқлаш бўйича бундан кейин ҳам яқин ҳамкорлик қилади, деган умиддамиз.

Партия фаолиятининг 15 йиллиги билан унинг барча аъзолари ва тарафдорларини яна бир бор самимий муборакбод этамиз. Борий АЛИХОНОВ, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экоҳаракат депутатлари гуруҳи раҳбари.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ ПАРТИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 15 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ВА ТАРАФДОРЛАРИГА МУРОЖААТИ

Хурматли дўстлар, қадрли партиядошлар! Бундан 15 йил муқаддам мамлакатимиз сиёсий майдонига янги куч — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси чиқди. 1995 йил 18 февраль кунини бўлиб ўтган унинг таъсис Қурултойида партиямиз ташкил этилганлиги тантанали эълон қилинди.

Партия сиёсий фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ жилслашган ва нуфузли куч сифатида ижтимоий адолат гояси тамойиллини илгарчи суриб, мамлакат аҳолиси турли ижтимоий қатламларининг туб манфаатларини ифода этди ва ўзини кенг кўламда ҳамда чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг фидойиларидан бири эканлигини амалда исботлай олди.

«Адолат» социал-демократик партияси тарихан жуда қисқа давр ичида халқчиллиги, дастурий мақсадларининг жозибдорлиги ва уларни изчил амалга оширишдаги қатъияти ҳамда том маънодаги адолат ҳимоячиси эканлиги билан жамиятимизда муносиб ўрин эгаллади, сафларини кенгайтириб ўз аъзоларини ягона мақсад, ягона гоя атрофида маҳкам жипслаштира олди. Бугун партиянинг мамлакат вакиллик органлари — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлари Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, ривожлантириш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат тамойиллари тантанасини таъминлашга муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Барча даражалардаги партиямиз ташкилотларининг омма билан алоқаси муттасил мустаҳкамлашиб бормоқда. «Адолат» СДП ўз ваколатларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда тарафдорлари иродасини тўла ифода этиб, инсон манфаатларига қаратилган қонунлар ижросини сўзсиз таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги муаммоларни ижобий ҳал этиш юзасидан амалий фаолиятларини кучайтириб бормоқдалар.

Мамлакатимизни модернизациялаш, жамиятимизни янгилаш жараёнлари кучайиб бораётган бугунги кунда барча ватандошларимиз ва сўзсиз «Адолат» социал-демократик партияси олдида жуда муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида белгилаб берилган дастуриламал вазифалар партиямиз ташкилотлари ва аъзоларини янада ташаббускор, янада фидойи ва янада қатъиятли бўлишга даъват этмоқда. Биз мамлакатимизнинг порлоқ келажаги, жамиятимизнинг янада жипслашишига,

халқимиз турмуш даражаси ва сифати янада ошишига ишонамиз ва бу олижаноб мақсадларга эришиш учун фаолиятимизни муттасил такомиллаштириб борамиз. Ўзбекистон «Адолат» СДП янгилинишларга, иш услуби ва усуллари янада такомиллаштиришга қодир, бунинг учун бизда куч ва ғайрат, қатъийлик ва шижоат етарли.

Партиямиз фаолиятидаги бу унутилмас сана муносабати билан барча тарафдорларимиз, сафдошларимиз, биринчи навбатда, «Адолат» СДПни шакллантириш ва тажрибаси, куч-ғайрати, сабот ва матонатини аямай сарфлаган, сарфлаган фахрийларимизни самимий муборакбод этамиз. Улар бундан буён ҳам партиямиз нуфузига нуфуз қўшиши, аъзоларимиз сонини янада кўпайтириши, электоратимиз манфаатини ишончли ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшишларига ишончимиз қомил. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши партиямизнинг барча аъзолари ва хайрихоҳларини қутлуг сана — партиямиз ташкил этилганлигининг 15 йиллиги билан муборакбод этар экан, уларга Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги самарали фаолиятларида янги-янги муваффақиятлар, оилавий бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ, энг эзгу орзу-ниятларининг ижобатини тилаб қолади.

# БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида баркамол авлоднинг тарбиялаш, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук шахс бўлиб вояга етишига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётди. Хусусан, 2010 йилнинг муҳтарам Юртбошимиз томонидан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ва шу номида қабул қилинган Давлат дастурида ҳам бу ишларнинг давомийлиги ўз аксини топган. Жумладан, Дастурда кайд этилганидек, таълим жараёнига янги ахборот коммуникация ва илгор педагогик технологиялар, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш мамлакатимиз миллий таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасида ривожланишининг асосий омилларидандир.

даги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида белгилаб берилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон «Адолат» СДП олдига турган вазифалар хусусида фракция аъзоси Худойёр Маматов маъруза қилди. Маърузачи, аввало, «Адолат» СДП мукобил гоялар, рақобатдош лойиҳалар, мақсадли вазифалар, мукамал дастурлар билан фаолият кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги ҳақида гапирди. Бу партия ўз электроратини ўйлантириб келаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий муаммолар ечимини билан чуқурроқ, муфассалроқ ва самаралироқ шугулланишида, мулоҳаза, мушоҳада, мунозаралар ҳам жиддий, профессионал ва амалий тусда бўлишида яхши самара бериши таъкидланди.

Шунингдек, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга муносиб ҳисса қўша- кукукий маданиятини оширишнинг долзарб масалалари» деб номланди. Дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Исмоил Саифназаров парламент фаолияти хусусида батафсил маълумот бериб, кўйи палатанинг талаба ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишдаги роли тўғрисида сўз юртиди. Таъкидланганидек, аҳоли, айниқса, ёшларнинг қабул қилинган қонунлардан ўз вақтида хабардор бўлиши, амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниши муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг парламентдаги фракцияси томонидан ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини, маданиятини юксалтириш мақсадида бирмунча ишлар амалга ошириб келинапти. Келгусида ёшлар билан ҳамкорликда турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.



соҳалар каби таълим тизими ҳам босқичма-босқич ривожланиб бормоқда, — деди фракция раҳбари Исмоил Саифназаров. — Қатор умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва лицейлар, олий ўқув юртилари янгидан қурилди, мажхулари эса таъмирланди. Таълим муассасаларини замон талаблари даражасида жиҳозлаш, уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида эса мазкур йўналишда аниқ вазифаларни бажариш белгиланган. Бир мисол: дастурда ўқитиш сифатини тўбдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий-маънавий рағбатлантириш тизимини янада ривожлантириш белгиланган берилди. Бу ўқитувчи ва мураббийлар зиммасидаги масъулиятни янада кучайтиради.

Давра суҳбати мулоҳаза ва мунозараларга бой тарзда ўтди. Иштирокчилар нафақат ўзларини қизиқтирган саволлари, балки ўринли фикр-мулоҳазалари билан ҳам фаол қатнашдилар. Авлодий номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва маълумоти ошириш марказий институтини тингловчилари мамлакатимизда таълим соҳасига қўрсатилаётган юксак эҳтибордан мамнун эканликларини таъкидлашди. Шу билан бирга, ёш авлоднинг тарбиялаш борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. — Баркамол авлод тарбияси — юрт келажига дахлдор масала, — деди Зулфия Толипова. — Шундай экан, фарзандларимизни «оммавий маданият» хуружларидан сақлаш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш барчамизнинг вазифамиз. Бунда сиёсий партиялар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим.

Шундан сўнг академиянинг Тошкент шаҳар филиали директори, профессор Қаландар Абдурахмонов сўзга чиқди. У олийоҳ талабаларининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳасидаги фаолият ҳақида сўз юртар экан, бу борда «Адолат» СДП фракцияси билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутаятганлиги таъкидлади. Давра суҳбатида нафақат депутатлар, профессор ўқитувчилар, балки талабалар ҳам фаол қатнашди, ўз мулоҳазалари, таассуротлари билан ўртоқлашди. — Бугунги учрашув менда катта таассурот қолдирди, — деди филиал талабаси Луиза Алиева. — Парламент кўйи палатасининг қонунчилик фаолияти билан яқиндан танишимдим. Бу ерда олган билимим, шубҳасиз, кейинги фаолиятимга катта хизмат қилади. Бунинг учун фракция аъзоларига миннатдорчилик билдираман.

Давра суҳбатида давлатлик раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Дедеман Silk Road» меҳмонхонасида «Фуқаролик жамияти институтини тизимда ОАВ ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашнинг долзарб вазифалари» мавзусидаги республика семинари бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг оқиб-ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини янада ошириш, илгор ахборот-коммуникация технологияларини соҳага жорий этиш, республика ОАВнинг глобал интернет тармоғига кириш имкониятла-

рини кенгайтириш, сиёсий партиялар нашрлари ишини фаолаштириш каби масалаларда амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар атрофида таҳлил қилинди. Эътиборли жиҳати, анжуман баҳс-мунозараларга, таклиф ва тавсияларга бой бўлди.

# ИЖРОИЯ ҚЎМИТА ЙИГИЛИШИ

Бўлиб ўтган муҳомадан сўнг партиянинг 2009 йилги бюджетининг ижроси тасдиқланди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари Исмоил Саифназаровнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар тўғрисида муфассал сўз борди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этиш ишига партия ташкилотлари таъсирини ошириш борасида мулоҳаза юритилди. Таъкидланганидек, янгитдан шакллантирилган депутатлик корпуси ҳамда партиянинг жойлардаги ташкилотлари ўртасидаги доимий ва мустақам ҳамкорликни таъминлаш лозим. Бу Ўзбекистон «Адолат» СДПга «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонунда белгиланган вазифаларни тўлақонли бажариш имкониятини яратди.

Ижроия Қўмиита йиғилишида Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўйича тақдим этил-

ган намунавий ҳаракат дастури асос учун қабул қилинди. Ҳаракат дастурига заруратга қараб тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш имкончилиги айтилди. Қўрилган барча масалалар юзасидан партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Фарҳод ЭРКИНОВ, «Адолат» мухбири.

# Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2009 йил бюджети ижроси ва 2010 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида АХБОРОТ

2009 йил давомида Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳисоб рақамларига 705 085,5 минг сўм маблағ келиб тушди. Шундан 630 273,0 минг сўми давлат бюджетидан ажратилган бўлиб, улардан 499 229,0 минг сўми партия устав фаолиятини молиялаштириш ва 131 044,2 минг сўми партиянинг сайловдаги иштироки учун ажратилган. Партиянинг ўз фаолиятдан олинган тушумлар 71 381,8 минг сўми ташкил этган. Шундан 59 951,8 минг сўми аъзолик бадаллари-дан, 11 430,0 минг сўми ҳоимийлик ёрдамидан ҳосил бўлган маблағлардир. Партия устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган 499 229,0 минг сўм бюджет маблағлари қуйидаги мақсадлар учун сарф қилинди:

- Ижро этувчи аппаратнинг жорий харажатлари — 373 286,9 минг сўм;
- Партия матбуот органига ёрдам кўрсатиш — 28 686,7 минг сўм;
- Партия аъзоларини ОАВда чиқишларини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш харажатлари — 8 689,4 минг сўм;
- Курултой ва пленумларни ўтказиш харажатлари — 3 636,1 минг сўм;

— Партия фаолларини ўқитиш ва семинарларни уюштириш — 357,5 минг сўм;- Коммунал тўловлар ва эксплуатация харажатлари — 39 412,3 минг сўм;
- Бошқа харажатлар — 45 160,1 минг сўм. Бу харажатларнинг асосий қисми иш ҳақи ва унинг ажратмаларидан иборат бўлиб, улар 74,8 фоизни ташкил этади. Партиянинг бюджетдан ташқари маблағларидан 2009 йилда 9 928,9 минг сўми Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати жорий харажатлари учун, 52 555,3 минг сўми ҳудудий партия Кенгашлари жорий харажатлари учун сарфланган. 2010 йил 1 январига бюджетдан ташқари маблағлар қолдиғи 6 490,2 минг сўми ташкил этади.

Партияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этиш учун 131 044,2 минг сўм ажратилган. Шундан 125 869,7 минг сўми сарфланиб, қолган 5 174,5 минг сўми Марказий сайлов комиссиясига қайтариб берилди. Сарф қилинган маблағлар асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига партиядан кўрсатилган номзодларнинг кўргазмали тарғибот материалларини тайёрлаш ҳамда уларнинг сайлов билан боғлиқ бошқа харажатларини қоплаш учун

ишлатилди. 2009 йилда 59 951,8 минг сўмлик аъзолик бадаллари йиғилган. Бу йиллик режанинг 67,3 фоизини ташкил этади. 2010 йил бюджетидан партиянинг даромадлари 1 471 141,8 минг сўми ташкил этиши керак. Бу сумманинг 1 338 184,0 минг сўми давлат бюджетидан, 132 957,8 минг сўми аъзолик бадалларидан молиялаштирилиши кўзда тутилган. Жорий йилнинг харажатлар сметаси бўйича бюджет маблағларининг 62,2 фоизи ёки 831 692,9 минг сўми иш ҳақи ва унга ажратмалар учун сарфланади. Бу сумманинг 679 245,3 минг сўми ҳудудий партия Кенгашлари ходимларининг иш ҳақи харажатларидир. Шунингдек, сметада партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати балансида берилган бинони таъмирлаш учун 198 200,0 минг сўм, «Адолат» газетаси таҳририятига моддий ёрдам кўрсатиш учун 46 323,8 минг сўм, партия офиси ижара ва эксплуатация хизматлари учун 41 759,0 минг сўм ажратилган. Сметада партия тадбирларини ўтказиш учун ҳам етарли миқдорда маблағлар ажратилган.

# САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ

янада кенг қўлам ва самара касб этиб бораверадимиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Республика миқёсидаги тадбирлар сон эса 56 тани ташкил этди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зухра Ботированинг 36 та турли йиғинда иштирок этгани тадбирларимизнинг янада ишчан, оптимал руҳда ўтишини таъминлади. Ташкилий-услубий тадбирларда Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий аппарати масъул ходимлари, депутатлар учрашувлар аҳоли зич жойлашган ҳудудлар, қорхона ва ташкилотлар ҳамда бошқа меҳнат жамоаларида бўлиб, ижтимоий адолат тамойилларининг ҳаётга янада чуқур кириб боришида муҳим омил бўлди. Шундай тадбирлардан бири — партия Хотин-қизлар кенгаши ташаббуси билан уюштирилган «Аёл ва ёшлар маънавияти» мавзусидаги семинар-кенгаш ниҳоятда сермазун ва қизиқарли ўтди. Шунинг учун ҳам ушбу тадбирда қилинган маърузалар, фикр-мулоҳазалар жамланган, китоб ҳолида chop этилди. Бугунги кунда ушбу рисола тарғибот-ташвиқот ишларида жуда кўл келмоқда.

Сафдошларимиз 2009 йилнинг 27 декабрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловларида фаол иштирок этди. Натижада номзодлар кўрсатилганлардан 2 нафари Қонунчилик палатаси депутати, 38 нафари эса маҳаллий кенгашлар депутатлари этиб сайланди. Вилоят Кенгаши бугунги кунда кўплаб устувор вазифаларни ҳал этиш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлар тўғрисида партия электротари ва кенг омма ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилаяпти. Партиянинг сон ва сифат кўрсаткичлари янада ошиб, аъзолар сафига ишбилармон ва тадбиркорлар, хотин-қизлар, ёшлар кўпроқ жалб қилинмоқда. Вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан туман ва шаҳар Кенгашлари фаолияти мониторингини йўлга қўйилганлиги ҳам улар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш имконини бераётди. Таҳлилларимизга кўра, Пешку, Бухоро, Қогон туман партия Кенгашлари фаолияти йиллар давомида такомиллашиб, вилоят-

даги намунали партия ташкилотларига айланди. Шунингдек, Вобекан, Қоровулбозор, Олот, Жондор, Шофирқон туман Кенгашлари ҳам кўнгилдагидек иш олиб бормоқда. Ђиждувон, Қорақўл туманлари ва Қогон шаҳар Кенгашларига эса зарурий кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилиб, улар фаолиятини янада яхшироқ изга тушириш чора-тадбирлари белгиланган. Қолаверса, депутатлик гуруҳлари фаолияти юзасидан ҳам мониторинг назорати олиб борилаётгани келгусида яхши самара беришидан умидворимиз.

Келтирилган ушбу рақам ва далиллар сўнгги беш йил давомидаги саъй-ҳаракатларимизнинг бир қисми, ҳолоқ. Аслида, мавзуд сиёсий партиялар билан ўзаро рақобатда, янги-янги сиёсий ўзгаришлар жараёни ва шароитида партияимиз фаоллари ҳамжиҳатликда кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Бундай саъй-ҳаракатларимиз ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, аксинча, янада кенг қўлам ва самара касб этиб бораверадимиз.

Раҳмат АҲМЕДОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши раиси.

# Қутлов

## Йўли ойдин, мақсади улғу

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашини, партиянинг барча аъзолари, жонкуяр, фидойи фаоллари, етакчилари, хайрихоҳларини партия ташкил топганлигининг 15 йиллиги билан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши номидан қизгин ва самимий му-боракбод этамиз.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларда фаол иштирок этиб, демократик жараёнларнинг ривожини ва фуқаролик жамиятини қуришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Утган йиллар мобайнида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари кўплаб қонун лойиҳаларини муҳомадан ўтказиб, юзлаб тақлифлар тайёрлашда фаол иштирок этди. Бу эса «Адолат» СДПнинг мамлакатимиз раънақи, кучли демократик, ижтимоийликка йўналтирилган давлат, эркин ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлида олиб борган эзгу ишларининг ёрқин намунасидир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз дастурий мақсад ва голяларини амалга ошириш ҳамда партиянинг ижтимоий катлами манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида олиб бораётган сиёсатини мамлакатимиз жамоатчилиги кўплаб-қувватлагани партиянинг салоҳияти йил сайин ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини ошириш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқойишталикни асраб-авайлаш борасида Ўзбекистон «Адолат» СДП олиб бораётган фаолиятга улкан муваффақиятлар тилаб, партиянинг барча аъзоларини яна бир бор қутлуг сана билан чин қўнғилдан қутлаймиз.

Хурмат ва эҳтиром ила

Ахтам ТУРСУНОВ, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси.

# Анжуман

## ХОЛИСЛИК ВА ТЕЗКОРЛИК

оммавий ахборот воситаларига хос хислатлардан саналади

Мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар жараёнини, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимизга ҳолис ва тезкор тарзда етказишда оммавий ахборот воситалари ходимларидан ўз касбини масъулият билан ёндошув, пухта билим ва маҳорат талаб этилишини тадбир иштирокчилари таъкидлаб ўтдилар. Мухтарам Юртбошимиз раҳнамолигида соҳани ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга ошириб келинмоқдаки, бунга қабул қилинаётган қатор қонунлар, фармон ва қарорлар билан изоҳлаш мумкин. Бунга жавобан

Унда «Энг яхши ижтимоий-сиёсий газета», «Энг яхши болалар нашри», «Босма нашрларнинг энг яхши дизайни учун», «Энг яхши тармоқ нашри», «Йилнинг энг фаол нашри», «Босма нашрларнинг энг яхши вебсайти» номинациялари бўйича ғолиблар тақдирланди. Шунингдек, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳудудий бўлимининг қошида «Келажак пресс» матбуот марказларини ташкил этиш» лойиҳасининг энг фаол иштирокчиларига ҳам совринлар топширилди.

Ф.ЭСОНОВ, «Адолат» мухбири.

Шерзод ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси.

2 март куни Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганига ўн саккиз йил тўлади

САЙЁРАМИЗ ТИНЧЛИГИ ТАЯНЧИ

1992 йил 2 март куни мустақил Ўзбекистоннинг Миллий Байроғи БМТ бош қароргоҳида тантанали равишда кўтарилди. Уша кундан эътиборан, мамлакатимиз халқаро ҳам-жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

Мазкур нуфузли халқаро ташкилот бундан роппа-роса 55 йил муқаддам - 1945 йилда тузилган бўлиб, дастлаб унга 51 мамлакат аъзо бўлиб кирди. Мақсади - халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, дунёда тинчликни сақлаш, давлатлар ўртасидаги низоларни тинчлик йўли билан бартараф этиш, урушлар олдини олиш, атраф-муҳитни химоя қилиш, касалликлар (эпидемия)га қарши курашиш, камбағаллик даражасини камайтириш сингари кўпдан-кўп масалалар муаммосига ечим топишда жаҳон мамлакатлари саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборатдир.


Тўғри, БМТдан олдин ҳам халқаро ҳамжамият курашишга интилишлар бўлган. Жумладан, 1919 йилда 32 та давлат томонидан Миллатлар Иттифоқи деб номланган ташкилот (МТ) тузилган. Бироқ МТ 1939 йилда бошланган иккинчи жаҳон урушининг олдини ололмади. Пировавдид, у ўз низомида белгиланган вазифалар уддасидан чиқолмагани учун тарқаб кетди.

Мамлакатимиз бугунги куннинг турли долзарб масалалари, масалан, халқаро террорчилик, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳамда минтақавий хавфсизлик борасида БМТ билан яқин ҳамкорлик олиб бораётганлиги боис халқаро доирада жуда катта нуфуз қозонди. Шахсан Президентимиз Ислам Каримов БМТнинг юксак минбаридан жаҳон ҳамжамияти қўллаб-қувватлаган қатор ташаббусларни илгари сурди. Улар орасида Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудуд, деб эълон қилиш таклифи, Афғонистондаги мажораларга ечим топиш, террорчиликка қарши кураш Халқаро Марказини ташкил этиш сингари бир қатор оламшумул мохиятга эга ташаббуслар бор.

Давлатимиз раҳбарияти таъсири билан минтақавий ташқарисида ҳам сезила бошлаган Оролбўйи ҳудудидаги экологик фалокатга жаҳон ҳамжамияти эътибори мунтазам қаратиб келинмоқда.

1993 йил БМТ Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очди. Мазкур ваколатхона атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият ва фан соҳаларида халқаро дастурларни мувофиқлаштириш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, модернизация жараёнларига ҳисса қўшиш борасида ибратли ишлар олиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистонда БМТ Тараққиёт дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси диққатга сазовордир. Уларнинг мундарижасидан — иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, коммуникация ва транспорт юк ташини соҳаларидаги мавжуд муаммоларга ечим топиш, демократик институтларни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, маориф ва ахборот технологияларини такомиллаштириш жабхаларидаги самарали ҳамкорлик масалалари ўрин олган.

Шунингдек, дастур қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссар бошқармаси, болалар жамғармаси, наркотикларни назорат қилиш бўйича дастур, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, аҳолишунослик фонди



каби кўплаб ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштириди ва улар фаолиятини муваффақиятли мувофиқлаштириб келмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керак, БМТ ташкил топгандан буён унга аъзо давлатлар сони дастлабки 51 тадан салкам 200 гага ошди. Унинг Бош Ассамблеясининг ҳар бир сессияси кун тартибига дунёдаги юзлаб долзарб масалалар киритилади ва улар БМТга аъзо давлатлар иштирокида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Истиклолга эришган кезлариданоқ бу халқаро ташкилотнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилишни таъминлайдиган катта салоҳиятга эга бўлиши — қудратли ташкилотга айланиши тарафдори бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари унинг фаолиятини ҳозирги давр талаблари асосида қайта қуриш ишларини қўллаб-қувватлаган ҳолда деган эди: «... миллий, минтақавий ва жаҳоншумул муаммоларни ҳал қилишдаги дунё давлатлари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва бирлаштиришда уларнинг аҳамиятини кучайтиришга имоним комил.»

Дарвоқе, кейинги пайтларда БМТга бошқа аъзо давлатлар ҳам унинг тузилишини қайта кўриб чиқиш, Бош Ассамблея қабул қилган қарорларнинг мажбурий харақатига эга бўлиши, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзо давлатлари сонини ошириш, вето ҳуқуқини бекор қилиб, қарорларни кўпчилик овоз билан қабул қилиш таклифи билан чиқмоқдалар.

Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясидаги бугунги куннинг долзарб масалаларига бағишланган мунозараларда фаол иштирок этиб келмоқда. Нафақат мамлакатимизнинг миллий манфаатларини химоя қилиш, балки, глобал ҳамда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга, тинчлик ва барқарорликни сақлашга қаратилган мохият-эътибори бағоят улкан ташаббуслар билан чиқмоқда, истиқболли таклифлар киритмоқда.

Зеро, миллий манфаатлар химояси, минтақавий ҳамкорлик, тинчлик ва барқарорлик — она сайёрамизнинг истиқболли пойдевори ҳамдир.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ, «Adolat» мухбири.

Фўқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбатида шаҳар партия Кенгаши қошидаги Хотин-қизлар ва «Ёш адолатчилар» кенгашлари етакчилари, партия фаоллари иштирок этди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялашга, уларга замон талаблари даражасида таълим беришга жиддий эътибор қаратилиб, келажакимиз ворисларининг камолоти йўлида кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши ва ушбу йўналишдаги бошқа барча саъй-ҳаракатлар бугун юртимиз ёшларининг ҳар томонлама етуқ, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларига хизмат қилаётир.

Жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» деб номланиши ва шу муносабат билан Давлат дастурининг қабул қилиниши ёшларга бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Негаки, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ўғил-қизларимизнинг жисмонан соғлом, маънан етуқ, интеллектуал салоҳияти яхши шакллар бўлиб вояга етишлари учун зарур шароит ва имкониятларни яратиб бериш мақсадида янги йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Аниқроқ айтганда, дастур асосида республика миқёсида 101 та тадбирни амалга ошириш, бунинг учун эса 7898,03 миллиард

Давра суҳбати БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

«Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишда шаҳар партия Кенгаши қошидаги Хотин-қизлар ҳамда «Ёш адолатчилар» кенгашларининг вазифалари муҳокама қилинди



сўм миқдоридagi маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

— Бу рақамлар, — деди тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар партия Кенгаши раиси Паридо Пармонова, — мамлакатимизда бизнинг энг эзгу, энг муқаддас мақсад-муддаимиз — баркамол авлод камолоти йўлида залворли ишлар амалга оширилаётгани ҳамда бундан кейин бу борадаги юмушлар изчил давом этажигидан далолат беради. Жисмонан соғлом, билимдон, юксак салоҳиятли ёшларни тарбиялаш эса «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ва унинг барча тузилмалари,

шу жумладан, Хотин-қизлар ҳамда «Ёш адолатчилар» кенгашлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мазкур кенгашлар етакчилари ва аъзоларининг янада белгиланган вазифаларини амалга оширишга қатъийлик билан фаолият юртишнинг талаб этилади.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юртимиз ёшларининг жисмонан соғлом ва маънан баркамол, юксак маънавиятли, соғлом фикрли, ватанпарвар инсонлар бўлиб вояга етишларига

хизмат қилади. Хусусан, дастурда ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш каби қатор муҳим йўналишлар устуворлик касб этганики, бу келгусида жамиятнинг асосий бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантиришда катта ўрин тутади. Оилаларнинг мустаҳкамлиги эса фарзандларимизнинг етуқ шакллари бўлиб ўсишига замин яратади. Зотан, соғлом оилдагина соғлом фарзандлар туғилади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси

ёшлар масаласига доимо муҳим вазифа сифатида қараб келмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида партия томонидан муайян ишлар олиб борилапти. Айни пайтда партия аъзоларининг 45 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Хўш, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросида партиянинг Хотин-қизлар ҳамда «Ёш адолатчилар» кенгашларининг ўрни қандай бўлмоғи лозим? Давра суҳбати иштирокчилари айтишди мавзуда қизгин мулоҳаза юритиб, кучли фўқаролик жамияти барпо этиш жараёнида ёшларнинг иштирокини янада кенгайтиришга доир долзарб вазифаларни муҳокама этдилар. Шу билан бирга, Давлат дастуридан муҳим йўналиш сифатида ўрин олган талакали ёш кадрларни тайёрлаш, танлаш ва уларни иш билан таъминлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби масалаларнинг самарали ечимига оид таклиф ва тавсияларни билдиришди. Тадбир якунида Давлат дастури амалга оширишда Хотин-қизлар ҳамда «Ёш адолатчилар» кенгашларининг вазифалари белгилаб олинди.

Дилором ЖУМАНИЕЗОВА, «Adolat» мухбири.

III РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЛОЙИХАЛАРГА БАҒИШЛАНАДИ



каларда кенг намойиш этишга саъй-ҳаракат қилишади. Жорий йилнинг 1-3 март кунлари пойтахтимизда учинчи бор ўтказилган ана шундай ярмаркада Республика-ми Фанлари академияси Электроника институти жамоаси фаол иштирок этишга катта ҳозирлик кўрмоқда. Кейинги йилларда мазкур институтида иқтисодий таълимнинг етакчи тармоқларида сарф-ҳаражатини камайтириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва маҳсулот сифати ҳамда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилувчи қатор замонвий технологияларнинг инновацион ишланмалари яратилди. Масалан, машина деталларининг иш органлари юзасини лазер-ёй асосида тоблаш технологиясини олинг. Бугунги кунда ушбу ишланманинг таъриби — лаборатория технологиясини синовдан муваффақиятли ўтди. У эндиликда автомобиль, авиация ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳаларида қўлланиши тавсия этилмоқда. Ишланманни келгусида металлга ишлов бериш тезлигини ошириб, жараёни автоматлаштириш ҳам мумкин.

Институтида яратилган яна бир ишланма — контактсиз қайд қилувчи мослама бўлиб, у дон маҳсулотлари корхоналари ва ун заводларида қўлланилиши мўлжалланган. Унинг ёрдамида ҳам корхоналарда қатор техно-

логик жараёнлар автоматлашди ва дондан фойдаланиш имкони мақбуллашди ҳамда электр энергияси сарфи камайиб, ишлаб чиқариш бошқаруви оsonлашди.

Шунингдек, институт олимлари иссиқлик энергетикаси тизимийда учраб турувчи баъзи муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган ишланманни ҳам инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар III республика ярмаркасида тавсия этишни кўзлаб турибдилар.

Қисқача айтганда, Республика фанлар академиясининг электроника институтида сўнгги йилларда жуда катта илмий-техник ва технология изланишлар олиб борилиб, қатор рақобатбардош ишланмалар технологияси кашф этилмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкнрози давом этаётган бугунги кунда юқори самарали ва тежамкор ускуналар ҳамда мосламалар яратиш устида изчил изланишлар олиб боришмоқда. Бу илғор технологияларнинг амалиётга жорий этилиши — мамлакатимиз санаят корхоналари ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмининг тобора ошириб, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмининг кўпайтириши турган гап.

Эминжон ЮЛДАШЕВ, «Adolat» мухбири.

Ислохот

Навоий масъулияти чекланган жамияти кичик қурилиш корхонаси жамоаси асосан қишлоқ врачлик пунктлари, болалар боғчалари, мактаб ва аҳоли яшайдиган уй-жой биноларини иссиқлик манбаи билан таъминлашга ихтисослашган.

КИЧИК ЖАМОАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Ўттиз саккиз нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган мазкур корхона ўтган йили Қизилтепа туманидаги 38-мактабда 147 миллион 577 минг сўмлик, Хатирчи туманидаги 38-мактабда 29 миллион 415 минг, шу тумандаги «Гузаль» болалар боғчасида 15 миллион 487 минг, Навбахор туманидаги 16-мактабда 35 миллион 499 минг сўмлик сантехника ишларини амалга ошириб, Фарход қўرғончасидаги бешта кўп қаватли уй-жой биноларини иссиқлик тизими билан таъминлади ва умум ҳисобда 80 миллион сўмлик ҳажмда иш бажарди. Шунингдек, жамоа амалга оширган ер ости сув қуваруларини ётқизиш, канализация йўллари таъмирлаш, иссиқлик қозонларини ўрнатиш каби юмушлар ижроси сифатидан ҳам истеъмолчилар беҳад хурсанд.

— Ишчи-хизматчиларимиз ҳалол меҳнати билан эришган иқтисодий кўрсаткичларимиз ёмон бўлмапти, — дейди корхона раҳбари Мустафо Бобомуродов. — 2009 йилда 350 миллион 738 минг сўмлик иш бажарилди. Бу, ўтган 2008 йилга

нисбатан 23 миллион сўмлик кўп иш демакдир. Дарвоқе, иқтисодий кўрсаткичлар самардорлиги бу ерда ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бундан икки-уч йил аввал ҳар бири 200-250 минг сўмдан маош олишган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 400-500 минг сўмга тўри келмоқда. Ўз касбининг усталари эса мунтазам рағбатлантириб боришмоқда. Корхона касба уюшмаси йўлланмаси билан улар сиҳаттоҳларга ҳам бепул юборилмоқда...

Шунингдек, ақинда корхона жамоаси саъй-ҳаракати билан Кармана туманидаги Уйрот маҳалласидаги учта оила хонадон бепул таъмирдан қилдирилди ва Нурута туманидаги 3-мактабда корхона ҳисобидан иссиқлик қозонхонаси қуриб берилди. Жамоа «Баркамол авлод» йилида ҳам қурилиш объектлари сифат ва самардорлигини таъминлашга, ҳудуд ободонлиги ишларига астойдил қўлим бериш истагида меҳнат қилмоқда.

Асқар ЖАЛИЛОВ, «Adolat» мухбири.

ДУНЁ КЎЗГҮСИ

БАНКЛАР КАМАЙМОҚДА

Жорий йилнинг 19 февралда «Микомс-банк» ёпилгандан сўнг Россиядаги банклар сони 999 тани ташкил этди.

Хорижий ОАВ хабарларига кўра, 2009 йилда Россияда 44 та банк муассасасининг лицензияси олиб қўйилган, 15 та банк эса «синган». Жорий йилнинг ўтган даври давомида эса яна 8 та банк турли сабабларга кўра фаолиятини тўхтатди.

Сугурта омонатлари агентлиги прогнозларига қараганда, жорий йил охиригача яна 80 та банк лицензиясидан ажралиши мумкин. Чунки 2010 йилнинг 1 январидан банклар капиталининг минимал миқдори 900 миллион рубль қилиб белгиланди. 2012 йилдан эса бу миқдор икки баравар оширилиши кўтиляпти. Шу боис, кўплаб банклар ёпилиши мумкин.

ЖИНОЯТЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Черногорияда шу пайтга қадар одам савдоси билан шуғулланиб келган йирик жиноий гуруҳ фош этилди.

Полиция томонидан ўтказилган рейд давомида Подгорица ва Ульцина шаҳарларидаги бир нечта тунги клублар кўздан кечирилган ҳамда жиноий гуруҳнинг 15 нафар аъзоси қўлга олинган. Таассуфланарлиси, уларнинг уч нафари полиция ходимларидир. Жиноий гуруҳнинг қолган аъзолари эса яширинишга муваффақ бўлишган. Айни вақтда улар қидирилмоқда.

Маълум бўлишича, жиноий гуруҳ асосан қўшни Сербиядан қизларни алдов йўли билан мамлакатга олиб киришган. Черногорияда эса қизлардан барча ҳужжатлари олиб қўйилиб, сотиб юборилган. Рейд давомида ана шундай 12 нафар қиз қутқариб олинган.




МЕГАФАУНАЛАРНИ КИМ ЙЎҚ ҚИЛГАН?

Палеонтологларнинг фикрича, Австралия ҳудудидаги қадимги йирик жониворлар (мегафауналар)нинг қирилиб кетишига одамлар сабабчи бўлишган. Аделаида университети олимлари узок йиллар олиб борган тадқиқотлари натижасида шундай хулосага келдилар.

Тадқиқот жараёнида олимлар йирик жониворларнинг суяк ва тишларини текшириб, улар 50 минг йил олдин яшаганлигини аниқлашди. Жониворлар бундан 40 минг йил аввал бутунлай йўқ бўлиб кетган. Одамлар эса қитъага 45-60 минг йил олдин келган. Аниқланишича, айнан одамлар қитъага келгандан сўнг мегафауналар йўқ бўлиб кетган.

Шу пайтгача мегафауналарнинг қирилиб кетишига муз даври сабабчи бўлган, деган ғоя илгари суриб келинарди.



МАШИНАДАГИ СОХТА ПУЛЛАР

АҚШнинг Жоржия штатида яшовчи Тай Кайкендал 2006 йилда полиция томонидан жарима майдончасига қўйилган ва шу туфайли эгаси ташлаб кетган автомобилни 2009 йилда сотиб олганди.

Орадан кўп вақт ўтмай машина бузилиб қолди ва Тай уни тузатмоқчи бўлди. У шу жараёнда автомобилнинг орқа ўриндиғи тагидан 200 минг доллар топиб олди.

Чероки округи полицияси пулни текшириб кўриб, у сохта эканлигини аниқлади. Ҳозирда полиция бу пул машинага қандай келиб қолгани ва у қерда ва кимлар томонидан ясалганини аниқлаш билан шуғулланмоқда.



# Ўзбекистон Брюссель сайёҳлик кўргазмасида

Брюсселда дунё мамлакатларининг туризм, спорт ва дам олиш имкониятлари ҳақида маълумот берувчи 52-халқаро "Salon des Vacances" сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмада Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини "Ansel Travel", "Dromen" "Djoser", "Hobo Reisen", "Terra Travel", "Kuoni", "Koningar" сингари туристик компаниялари ҳамда "Air Baltic" авиакомпанияси ваколатхонаси намойиш этишти. Тадбир меҳмонларига ўзбек халқининг қадимий тарихи, бой маданияти ва сайёҳлик йўналишлари ҳақидаги маълумотлар берилди.

10 йилдан зиёд даврдан буён мамлакатимиз билан ҳамкорликда ишлаб келаятган "Dromen" компанияси директори Г.Де Военинг таъкидлашича, ушбу компания кўмаги билан Ўзбекистонга борган барча сайёҳлик гуруҳлари бу ердаги хизмат кўрсатиш даражаси, инфратузилмаси ҳамда маҳаллий гулларнинг малакали фаолият олиб боришидан хурсанд бўлишди.



— Мана икки йилдирки "Ansel Travel" компанияси Ўзбекистон билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда, — дейди компания директори О.Маре-мани. — Биргаликдаги фаолиятимизнинг биринчи йили яқунларга таяниб, Ўзбекистон айнаси маданий-тарихий сайёҳлик билан қизиқувчилар орасида машҳур, деган хулосага келиш мумкин.

— Бебаҳо маданий меросга эга "Буюк Ипак йўли" чорраҳасида жойлашгани билан бирга, Ўзбекистон улкан сайёҳлик салоҳиятига эга мамлакатдир. Бундан ташқари мамлакатда экотуризм, ёшлар туризми ва дунёнинг турли китъаларидан келувчи сайёҳлар эътиборини ўзига жалб этадиган сайёҳликнинг бошқа йўналишлари ҳам ривожланмоқда, — дейди "Terra travel" компанияси директори В.Виллекенс.

Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда сайёҳлик ва инфратузилмани, айнавий ва янги йўналишдаги сайёҳликни ривожлантириш борасида амалий чораларни кўрмоқда. Бу эса халқаро андозаларга жавоб берувчи аэропорт, автомобиль йўллари ва халқаро даражадаги меҳмонхоналарнинг барпо этилишида намойён бўлмоқда.

"Эйр Балтик" авиакомпанияси менежери Ю.Сован мана икки йилдирки мазкур авиакомпания Брюсселдан Рига орқали Тошкентга ва шу йўналишда тескари томонга авиа катно-вини амалга ошираётгани ва тажрибада кўринадиганидек, ушбу йўналишда ўзини тула оқлаётганини кайд этди. Авиакомпания келгусида Ўзбекистонга кўплаб европаллик сайёҳларни жалб этиш сиёсатини янада фаолроқ олиб боришни режалаштирмоқда.

"Жаҳон" АА, Брюссель



Юртбошимиз раҳнамолигида тиббий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётир. Замонавий тиббиёт муассасалари, айниқса қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Фарғона туманида ҳам мазкур йўналишда салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Суратда: туғруқ комплекси бўлим мудири Зуҳра Асророва ва катта доя Сафура Азимова.

## ЁШ МУСИҚАЧИЛАР ГОЛИБ

Санкт-Петербургда (Россия Федерацияси)да ўтказилган V-Халқаро мусиқа фестивалида Тошкентдаги Успенский номи Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейининг бир гуруҳ ўқувчилари муваффақиятли иштирок этдилар.

Фестивал чиқишларида лицей ўқувчиларидан Мухриддин Сайфиддинов ва Жамшид Саидқаримов виолончел йўналишида биринчи уринга сазовор бўлди. Скрипка чалишда иккинчи уринга Нилуфар Муҳиддинов муносиб топилди. «Энг яхши концертмейстер» номинацияси бўйича Кан Елена голиб чиқди.

М.ФАФУРОВ, «Adolat» мухбири.

## Жаҳон жаҳоҳирлари жавонидан

Ватан таркини бир нафас айлама, Яна ранжу гурбат ҳавас айлама.

Алишер НАВОЙЙ

Тирик улки, ундан кейин қолса жой — Ҳовуз, қўлу кўприк-ла, қарвонсарой.

САЪДИЙ

Яхши хулқли бўлгил ҳамда соф кўнгул, Одамларга доим инсофли бўлгил.

Абдурахмон ЖОМИЙ

Ниш урмас биёбон, шўрхок тўпроқ ҳам, Гулзорга айланур сабр қилса одам.

ГУЛХАНИЙ

Донога ёндашгил, қоч нодондан сан, Ҳатто у хавфлидир доно душмандан.

Жалолиддин РУМИЙ

Ёшмисан, кексани сен ҳурмат айла, Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла.

АТТОР

Кексага кўмак бер — суянган тоғинг, Буни тушунарсан қариган чоғинг.

Носир ХИСРАВ

Оз нарсага қаноат қилган одам давлат-маңдир, негаки, бундай қаноат унинг маънавий бойлигидан далолат беради.

СУҚРОТ

## Хажвия.....

Хаммаси хотинига ўчакишдан бошланди.

Ушанда у оиласи билан тўққиз қаватли уйга кўчиб ўтган, хотини янги хонадонга атаб олинган қозонни ташқарида оловда қиздириб келишни сўраган эди. Пешонага биринчи марта битилган бошпана қувончидан сархуш бўлиб, ўзини қўярга жой тополмай, катакда мўъжаз бетонхоналарга илжайиб кириб, тиржайиб чиқиб турган Абдуқаримга шуям иш бўптими?

Хархашанинг (хотинини «суйиб» шундай атарди) гапини икки қилмай, қозонни қўлогидан омонатгина ушлаб, ташқарида қиқиб кетди. Четроқдан ҳолироқ жой топиб, тош-кесаклардан омонатгина қўлбола ўчоқча ясади. Қурувчилардан қолган-қутган ёғоч-чўпларни тўплаб, қозоннинг тагига олов қўйиб юборди. Худди девзирадан ош қилишга чоғлангандай, оловни завқ-шавқ билан ёқар, янги қозон тайёр бўлгач, унда ўзи боғлаб қўлбола палов қилишни ўйлаб, тамшаниб-ютиниб қўяди.

Адуқарим оловга зўр берди. Назариди, қозон қанчалик яхши қиздирилса, ош ҳам шунчалик зўр бўлади-деган эди. Бир маҳал мундоқ қараса, қозон негадир сеҳрлангандай шакли-шамойилини ўзгартириб, сўлжа бошлади. Худди муъжазанд олиб берилмаганда лабини чўчайтириб, араз қилган болакайдий тумшугини олдинга чўза-чўза... тумшуги ҳам узилиб тушди. Абдуқарим шундангина қовун тушириб қўйганини сездди. Фақат қозон эмас, ўзининг ҳам ичиди бир нима эриб, узилиб тушгандай алам қилди. Шунда сифатсиз қозон ишлаб чиқарганларнинг қўлогини қиздириб, ҳоврини босди. Жизганга чиқиб, яроқсиз бўлиб қолган қозон эса ношуд эгасининг устидан кулаётгандай лабини буриб, масхарабознинг иртик ниқобидай қийшайиб турарди.

Абдуқарим ноилоҳ «жиноятининг ашёвий далили» бўлиши

эриган қозонни кўтариб юқорига қоланди.

Хотин боққуш овқатга масалликларни тўраб, ўқланган милтиқдай тайёр турган экан. Куйинди қозонни қўрди-ю масаланинг моҳиятини тушуниб, тепа сочи тикка бўлиб кетди.

— Вой, нима қилиб қўйдингиз? — Нима қилибман? — Абдуқарим «Химоянинг энг яхши йўли — ҳужум!» нақлига амал қилиб, хезланди.

— Қилар ишни қилиб қўйиб яна... Одам ҳам шунақа ношуд бўладими? Сизга шу ишни буюрган ўзим аҳмоқман!

— Одамни ҳақорат қилманг! — Вей, менга қара, қозоннинг атай куйдирибманми? Ахир бугун юриб турган одам пақ этиб ўлиб қоляпти-ку, қозон дегани нима бўпти?

— Энди овқатни нимада пишираман? Бу ёқда болалар очнаҳор ўтиришибди.

— Бирон чорасини топарсан. Дарвоқе, қўшнилاردан сўраб кўрсанг бўлади-ку!

— Янги, нотаниш қўшнилardan сўрайманми? Қозонни ҳам йўқ қозон, деб устимиздан қулишмай-дими?

— Хе, сендақа ориятчи хотинин... Сен сўрамасанг, мана ўзим сўрайман.

Абдуқарим эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди-ю кўп ўтмай шалвираб қайтиб келди: ҳаммасининг қозони банд экан. Ўзини йўқ-оламда йўқ.

Мабодо шу тобда Абдуқаримга Хизарбува йўлиқиб «Тила-ти-рагингни!» деса, қозондан бошқа нарсани сўрамасди, албатта. Ахир ҳаётда қозондан ҳам муҳим нарса бор эканми? Айниқ-

са, ошқозон орқали фикрлаш устувор бўлиб турганда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да! Мундоқ дўппини олиб кўрилса, бу ёруғ оламдаги жамми муаммо-можаролар ана ўша қозон ва ошқозон масаласига бирок тақалар экан. Абдуқарим ҳеч бўлмаганда битта хонадонда ана ўша оламшумул муаммони узил-кесил ҳал қилишга астойдил бел боғлади.

Тонг сахарда хархашага ҳам асл мақсадини айтмай, «сюрприз» қилмоқчи бўлиб, шаҳарнинг эски-туски, ашқол-дашқоллар сотиладиган машҳур катта бо-

япман, ўқимаган! Ишқибоз одамлар гугурт қутисидан тортиб почта маркасигача, хатто паровоз вагонигача йиғиб тўплашади. Ана шу машғулоти «хобби» дейишади.

— Хе, ўргилдим бунақа хобби-мобиллардан. Ош билан қатиқ бўлармиди? Ўзимиз тўрқовоққа тушган беданадек торгина катакда яшасак, яна қозонларингизни тикиштирганингиз ортиқча. Сичқон сифмас инига, гал-вир боғлар думига!

— Ушанда — қозон эриб кетганида гашимни келтириб, асабимни эгавлаган ўзингсан! Энди

шанба кунлари эрига ёқимли жилмайиб, «Хўжайин, бугун қайси қозонингизда овқат қилиб берай?» дея маъноли шивирлаб қўяди.

Абдуқарим уйда хотинига шундай кечисиз танлаш имконияти яратиб берганидан гердайиб, салмоқли томоқ қиради. Қандай овқатга қанақа қозон мос келишини беҳато айтиб беради. Дарвоқе, қозонга дахлдор нарсалар ҳақида у ўқимаган, у варақламаган китобу жомаслар қолмади ҳисоб. Бу масалада энди у катта мутахассис!

Абдуқаримнинг хоббиси тез

# ҚОЗОН «ШАЙДО»СИ

буёғига ҳам чидайсан. Боёқш хотин чадраи нима ҳам қиларди. Эр — авра, хотин — астар!

Абдуқарим сўзи билан иши бир, ўжар, аммо меҳр-оқибатли йигит. Қозон масаласида ҳам айтаганини қилмай қўймади. Сафарларда қаёққа йўли тушса, эринмай, биттадан, гоҳо иккита-учтадан қозон кўтариб келаверди. Орадан кўп ўтмай, Абдуқаримнинг торгина уйи ростдан ҳам қозон музейига айланиб қолди. Темир қозон! Пулат қозон! Алюмин қозон! Тош қозон!

Абдуқарим бекор қолса, тўшаққа ярим ёнбошлаганча, аччиқ чойни майдалаб, худди ноёб санъат асарларини кўраётгандай, қозонларини мириқиб томоша қилади. Озгина шоирлиги ҳам бор эмасми, қозонларга бағишлаб саккиз қаторгина шеър ҳам ёзиб қўйди. Меҳмон келса, албатта қозонларини кўрсатади, соатлаб уларнинг таърифини қилади. «Калнинг нимаси бор — темирдан тароғи бор» дея олдинки эрининг «хобби»сини бачканаликка йўйиб, мингирлаб юрган хотини ахйири кўнқиди. Пай-

орада тилга тушиб, маҳалла ва таниш-билишлар орасида овоза бўлди. Яқин дўстлари тўғилган кунда унга фақат қозон совға қилишарди. Янги қўшнилари қозон сотиб олмақчи бўлишса, албатта ундан маслаҳат сўрашарди. Тўй-маъракаларда қанақа қозонда ош қилиш масаласи ҳам унинг ҳал бўлмади. Ҳатто бир гал «уй»ларининг улкан иситиш қозони ишдан чиққанда ҳам ундан маслаҳат сўраб келишган.

Маҳаллага узоқ-яқиндан, хориждан меҳмонлар ташрифи буюришса, албатта Абдуқаримнинг қозон музейини келиб кўришарди. Чунки бунақа музей оламда ягона. Таассуротлар дафтари дил изҳорларига тўлиб кетган. Ҳозирча музейнинг Бош директори ҳам, асосий экскурсоводи ҳам ёлғиз ўзи. Маҳалла оқсоқоли музейини рўйхатдан ўтказиб, маош билан ишлайдиган ходим ажратишга ваъда берган.

Аммо нима бўлганда ҳам Абдуқарим бутун дунёга қозон масаласи муҳим, оламшумул масала эканлигини исботламагунча тиниб-тинчимайдиган кўрилади.

Шодмон ОТАБЕК.

## СПОРТ

### МАКТАБДА СПОРТГА ЭЪТИБОР

Президентимиз томонидан 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши бизнинг педагогик жамоамизни ҳам руҳлантириб юборди. Чунки билим масканимизда кейинги йилларда, айниқса спорт соҳасида ўнлаб ёш чемпионлар камол топди. Биргина ўтган йили мактабимиз ўқувчилари Шохрўх Худойбердиев сузиш, ака-ука Азамат ва Хусанжон Толиповлар таъқвондо бўйича республика мусобақаларида, Фаррух Зокиров эса футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика ва халқаро турнирларда голиб бўлишди.

Жорий йил — Баркамол авлод йилида мактабимиз учун чин маънода бошқа соҳалар қатори спортга ҳам эътибор кучайди. Ҳозирги вақтда минг нафардан ортиқ ўқувчиларнинг саксон фоизи турли спорт тўғрисида машғулотларида қатнашмоқда. Кўплаб спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Масалан, шу йилнинг январ ойида мактабимизда синфлараро волейбол, февралда эса баскетбол бўйича беллашувлар ўтказилиб, голиблар фахрий ёрликлар билан тақдирландилар. Шунингдек, уларга спорт буюмларидан иборат совғалар топширилди.

Март ойи эса мактабимизда «Енгил атлетика ойлари» деб эълон қилинган. Умуман, ўқув йилининг охиригача ёш авлодни жисмоний чиниқтириш режаси ишлаб чиқилган. Бу бизнинг Баркамол авлод йилига амалий жавобимиз бўлади.

Луиза ДОНАЕВА, Тошкент шаҳар С.Рахимов туманидаги 146-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси.

### Уч ўйин ва уч галаба

Нихоят, ўтаётган ҳафтанинг сешанба кунини юртимизда футбол мавсуми бошланди. Шу кунини Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси Осий Чемпионлар лигаси гуруҳ босқичининг дастлабки учрашувини ўтказди.



Бразилиялик таниқли мураббий Луиз Фелипе Сколари шогирдлари Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоасини ўз майдонига қабул қилиб, йирик ҳисобда галаба қозонди. Уйиндан олдинги матбуот анжуманида таъкидланганидек, «Бунёдкор» майдонга фақат галаба учун тушганини исботлади. Яқуний натижа ҳам шунга яраша бўлди — 3:0.

Мамлакатимиз клублари иштирокидаги сешанба кунини ўйинлар ҳам футбол ишқибозларига олам-олам қувонч улашди. Осий Чемпионлар лигасидаги иккинчи жамоамиз «Пахтакор» меҳмонда ўйнашига қарамай, «Ал-Айн»ни кичик ҳисобда мағлуб этди — 0:1. Гол муаллифи туркманistonлик Артур Геворкян.

Бу йил ОФК кубогига дебютини нишонлаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси ҳам турнирдаги иштирокидан мақсади жиддий эканлигини намойиш этди. Виктор Кумиков шогирдлари гуруҳдаги илк учрашувини меҳмонда, Ливаннинг маҳаллий «Ал-Аҳад» жамоасига қарши ўтказиб, рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Сергей Крот ва Илхом Шомуродовларнинг дубллари ҳамюртларимизга йирик — 4:0 ҳисобидида галабани тақдим этди. Жамоаларимиз кейинги учрашувларни 9 ва 10-март кунлари ўтказишди.

### Насимов «Рубин»да ўйнайди



Хамюртимиз Баҳодир Насимов Россиянинг амалдаги чемпиони Қозоннинг «Рубин» клуби билан шартнома имзолади. Бу ҳақда Қозон клуби расман эълон қилди. Баҳодир Насимов жамоанинг Испанияда бўлиб ўтган йилнинг давомида жамоа мураббийлари қўригидан ўтди ва илҳим таассурот қолдирди. Маълум бўлишича, «Динамо» (Самарқанд)нинг собиқ ҳужумчиси энди 3 йил давомида Россия жамоаси шарафини ҳимоя қилади.

Эслатиб ўтамиз, Баҳодир Насимов бу йилги МДҲ ва Болтиқбуйи давлатлари чемпионлари кубогини турнирдаги поштахтимизнинг «Бунёдкор» жамоаси таркибига тўп суриб, 5 та гол уришга муваффақ бўлган эди. Бу «Рубин» селекционерлари эътиборини тортмай қолмади.

### Шотландия хаваскорлар лигасида иштирок этаётган «Хэйвик» жамоаси азоси Пол Купер ҳакам бир ўйинда 1 та сарик ва 6 та қизил карточка кўрсатди. Бу Британия футболда ўзига хос рекорд кўрсаткичдир.



Галп шундаки, «Хэйвик»нинг «Пейнкетлэйв» жамоасига қарши ўйинида Купер аввалига сарик карточка билан жазоланди. Бундан норози бўлган футболчи бош ҳакамни ҳақорат қила кетди. Натижада ҳакам футболчига ҳар бир ҳақорати учун биттадан қизил карточка кўрсатаверди. Охир-оқибат уларнинг соани назид олтигача этди.

Шотландия хаваскорлар лигаси раҳбарияти бу вазиятни обдон ўрганиб чиқди ва Куперни икки йилга футболдан четлатди.

КАЛЛАЁРОВ тайёрлади.

ADOLAT logo and contact information: ижтимоий-сиёсий ГАЗЕТА МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ adolat\_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир Худойёр МАМАТОВ. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган. Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-57-14 ISSN 2091-5217. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МУМИНОВ, Жовлатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ, Қодир ЖУРАЕВ

Нашр учун масъул Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари). «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади. t — Тижорат мақолалар белгиси. Нашр индекси 100. Навбатчи муҳаррир — Номоз САЪДУЛЛАЕВ. Навбатчи — Юсуф ЗИЁДОВ.